

## ШОМОННИНГ ҚЎЛ ОЛИШИ ҲАҚИДАГИ АФСОНАЛАР

*Илҳомжон Дармонов*

*Тошкент амалий фанлар университети тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада ўзбек шомонларининг қай тариқа шомонлик касбини қўлга киритганлигини изоҳлашга қартилган афсоналар алоҳида, тизимли тадқиқ этилган. Бу типдаги шомон афсоналарининг ўзига хослиги, бадиияти, ижро услуби ва ижро ўрни борасидаги назарий хулосалар ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** афсона, сюжет, образ, шомон, магик, маросим, қўл олиш.

### Кириш

Ўзбек фольклоршунослигида шомон афсоналари алоҳида тадқиқ этилмаган. Бирок фольклоршунос О.Қаюмовнинг ўзбек шомон маросимлари фольклорига бағишланган тадқиқотида бу типдаги афсоналар хусусида дастлабки маълумотлар келтирилган[4, 5]. Ўзбек шомон афсоналарининг кенг оммалашган кўринишларидан бири бўлиб бундай афсоналарда шомонлик билан шуғулланувчи порхон, эмчи, бахши, фолбин, илгир кабиларнинг қай тариқа шомонликни қабул қилганлиги изоҳланади.

### Методология ва адабиётлар таҳлили

Жаҳон фольклоршунослигида Е.С.Новик Сибир туркий халқлари шомон афсоналарини иккига бўлган эди. Унинг таснифида аввал шомоннинг қаҳрамонликлари, курашлари ва мўъжизалари ҳақидаги афсоналарни киритган бўлса, иккинчи гуруҳ афсоналар сирасига биринчи шомоннинг туғилиши, буюк шомонларнинг шомонлик неъматини қабул қилишига бағишланган афсоналарни киритган[7].

Н.Пантусов томонидан эълон қилинган этнографик материаллар орасида Шарқий Туркистонда истиқомат қилган уйғурлар ва ўзбекларнинг бахшилари уларнинг беморни даволаши, бахшининг келиб чиқишини изоҳловчи афсоналар келтирилади[8].

Афсонада ҳикоя қилинишича, қадим замонларда девлар ва жинлар одамларга йўлиқиб уларни йўлдан оздирган. Жинлар ва ёвуз руҳлар осмонга чиқиб худонинг фаришталари билан гаплашади ва одамлар билмайдиган сиру синоатларни ўзлаштирадilar. Улар ерга тушиб одам болаларини тўғри йўлдан адаштириш, уларга ёмонлик қила бошлайдилар. Пайғамбар Муҳаммад салоллоҳу алайҳи вассаллам дунёга келгач, оллоҳи таъло жинлар ва ёвуз руҳларни осмонга қайтариб чиқариб юборади ва уларни ерга тушишларини тақиқлайди. Муҳаммад пайғамбар вояга етиб, фарзандли бўлиб, худонинг элчисига айлангач, бир куни қизлари Фотима бир дарахнинг тагида сояда ўтиради. Шунда бир қуш келиб, шу драхтнинг барглари Биби Фотимага соя ташлаб турган шохига қўнади. Бирдан шу шохдаги барглар куриб, Фотиманинг оёғига офтоб тушади. Шундан кейин Биби Фотиманинг аҳволи оғирлаша боради. Буни билган Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом, Оллоҳга мурожаат қилади. Оллоҳ фаришталарини юбориб, Муҳаммад алайҳи вассаломни тўринчи осмон гумбазига олиб чиқишларини сўрайди. Улар пайғамбарни айтилган жойга олиб борадилар. Борсалар бир неча эшиклар бор экан. Пайғамбар биринчи эшикни тақиллатади. Ичкаридан: “Ким бу?”-деган овоз келади. Пайғамбар: “Бу–мен,”-деб жавоб беради. Ичкаридан: “Сенга ўхшаганларга йўл йўқ!”- деган садо келади. Пайғамбар иккинчи эшикни тақиллатадилар. Ичкаридан яна “Ким бу?”-деган овоз келади. Пайғамбар: “Фақирман,”-деб жавоб беради ва эшик очилиб ичкарига киради.

Ичкарида қирқ чилтанлар номоз ўқиб турибди, бири пайғамбарни қарши олади. Бир чилтан пайғамбардан нима сабабдан келганлиги сўрайди. Пайғамбар қизи бетоб эканлиги ўз фарзандини ўзи даволай олмаслигини тушунтиради. Шунда ҳалиги киши Фотимани даволашини билдиради. Шунда пайғамбар: “Нега сиз мен билан гаплашасиз-у қолганлар менга эътибор ҳам бермаяптилар?”- деб сўрайдилар. Ҳалиги киши бизлар қирқ киши бир танмиз. Мана ишонмасанг деб билагини шимариб, бир игнани санчади ҳалиги кишининг билагидан қон тома бошлайди. Шунда у пайғамбарни қолганларга эътиборини тортади. Пайғамбар қарасалар ибодат қилаётган ўттиз тўққиз чилтаннинг ҳаммасини билагидан қон чиқаяпти. Пайғамбар унга ишонадилар.

Шундан сўнг худонинг амри билан қирқ чилтандан етти нафари Биби Фотима ётган уйга ерга тушадилар. Унинг уйи олдида туғ кўтаради. Биби Фотима туғни бир неча марта айланади ва дарддан фориғ бўладилар ҳамда биринчи бахши бўлиб одамларга шифо унашади[9]. Худди шундай ислом дини вакиллари орасида бахшининг пайдо бўлишини изоҳлаган афсоналар айна сюжетга асосланади ва улар “Тарихи Рашиди”, “Тарихи сипогани”, “Бахшиларнинг рисоласи” номли китобларда ҳам қайд этилган[6].

Н. Пантусов ҳам “Тарихи Рашиди” китобида келтирилган бахшининг пайдо бўлишига доир яна бир афсонани келтиради. Унда изоҳланишича: “Қадим замонларда ер юзида биргина ақлли ва доно, сахий Аланку деган қиз яшаган. У худонинг инояти билан ғойибдан хомиладор бўлади ва ўғил фарзанд кўради. Ўғлининг исмини Бузунжирхон кўяди фарзанди улғайиб вояга етгач, у подшо бўлиб, Жунгар хонлигини бошқаради. Жунгар хонлиги Кўхна Турфан, Кучар, Қашқар, Аксу, Уч турфан, Хўтан, Ёркент, Или шаҳарларидан иборат эди.

Бузунжирхон ўлимидан кейин унинг ўғли Бупахон, ундан кейин Бупахоннинг ўғли Думнанхон ҳукмродлик қилади. Думнанхон кофир хон бўлади. Думнанхоннинг кофир бўлиши қуйидагича изоҳланади:

Бир куни Думнанхоннинг бир ўғли Каидхонга бир жин илашиб қолади ва Каидхоннинг оғир дардга гирифтор қилади. Каидхоннинг иссиғи ошиб, тутқаноғи тутиб, мияси шиша бошлайди. Олимлар, табиблар уни даволай олмасликларини айтишади. Ўғлининг дардига даъво тополмасдан аросатда юрган Думнанхон чериклари билан овга чиқади. У бир эчкини отади. Эчки бўтазорлар оралаб қочади, Думнанхон уни изидан қувиб черикларидан анча ортга қолиб кетади ва ўзи ҳам тўқайзорда адашиб қолади. Думнанхон яқинроқ дарахтлар бор жойга йўл олади. У шу ерда дарахтлар орасида бир одамни учратади. Бу одамнинг кўзлари қон талаш қип-қизил, юзида чечакдан қолган доғ, сочлари ўсиб елкасига тушган, эгнида сариқ кийими бор. Тинмасдан айланарди.

Думнанхон ҳалиги одамни кўриб, хайрон қолганча ундан: “Эй одам, сен кимсан? Бу биёбонда ёлғиз ўзинг нима қилиб юрибсан? Нима сабабдан тинмасдан айланаяпсан?”- деб сўрайди.

Ҳалиги киши: “Эй, хон, мен бахшиман. Қалмиқлардан бўламан. Исминим Даванчук. Отамнинг исми Дачик. Мени шунақанги одатим бор. Аммо ҳар қандай касални даволайман”,-деди. Шунда Хон: “Сени ўзинг қайси шаҳардансан? Оиланг фарзандларинг борми?”-деб сўради.

Даванчук: “Мен Каяна шаҳриданман. Хотиним бор, исми Дамурчен, ўғлим бор исми Мунғай”.

Хон: “Тушунарли. Унда ёлғиз ўзинг бу ерда нима қилиб юрибсан?”

Даванчук: “Ёлғиз эмасман. Устозим билан келагандим,”-деди. Шунда хон таажжубланиб: “Қани устозинг мен уни кўрмайпманку?”-дейди. Даванчук: “У сизнинг қаршингизда, фақат сиз уни кўрмайсиз”,-дебди. Шунда хон: “Мен уни кўрмоқчиман, кўрсат менга!”-дебди. Даванчук пичирлаб бир нарсаларни ўқиб аввал осмон ва ерга, кейин чор атрофига дам урибди ва хоннинг қаршисида бир нарса пайдо бўлибди. Қанотлари бор,

бошида тўртта шохи, бўйи пастак бақалоқ одам қиёфасида аммо оғиз ва бурнидан олов чиқарди.

Думнанхон кўрққанидан оддан йиқилиб тушди ва бошини ерга қўйди. Шундан сўнг у кофир бўлиб турди. Хоннинг кўрқиб кетганини кўрган Даванчук яна нималарнидир ўқиб дам урганди дев кўзга кўринмас бўлиб қолди. Бу ўша тўрт шохли одамларга бало олиб келадиган дев эди.

Думнанхон Даванчукни ўзи билан саройига олиб кетиб ўғлини унга кўрсатди. Шунда Даванчук: “Бу шахзодага жин теккан. Агар пари ўйнатсак соғаяди”,-деди. Кейин бир хонага туғ кўтариб, Каидхонни шу ерга ётқизиб унинг устида доирасини чалиб парилар билан базм курди ва шахзода соғайиб кетди. Бундан хурсанд бўлган Думнанхон Даванчукка кўп микдорда олтин, кумуш, от, кийим-кечак инъом қилди. Шундан кейин Даванчук кўшлаб беморларни парилар ёрдамида даволади. Даванчук бахшининг донғи кетди. У туфайли кўпчилик халқ худога шак елтириб Даванчукка сиғинадиган гуноҳкор кофирга айланди.

Думнанхон шундан кейин Даванчукнинг устози девнинг қиёфасига ўхшаган буд ясаптириб, ўзи ва қавмини унга инонишга ундади ва кофир бўлди. Даванчукдан Аржаст бахши сирли илмларни ўрганиб кўп одамларни даволади. Аржаст ўз илмини Далчук, Исхар, Аскар исмли қалмиқларга ўргатиб уларни ҳам бахши қилди. Шундан кейин шибе халқи ўртасида бахшилар кўпайиб кетди[8. – С. 107-113]. Мазкур афсонада кўринадик, туркий қамларнинг барчасида кузатилиши муштарак бўлган шомонлик эътиқодининг бахшилар томонидан амалга оширилиши, одамларни даволашда шомон маросимларидан фойдаланиш амалиётининг мавжудлигигина тасвирланмаган. Балки, қавмида шомон бўлмаган мусулмон Думнахоннинг қай тариқа шомонликни қабул қилиши тасвири берилган. Думнахоннинг қамланишига сабаб нима эди? Чорасизлик. Жондан азиз фарзандининг оғир дардга йўлиққани сабабли у девни қанча кўрқинчли бўлмасин кўришга, бахшининг кароматларини синаб кўришга, бахши туғ кўтариб, беморни соғайтиргач, хоннинг ўзи ҳам қамланганлиги, унинг қавмида бахшиларнинг пайдо бўлиши изоҳланади.

#### **Натижа**

Бу келтирилган афсона нисбатан қадимий бўлиб, бунда ислом дини тарқайдан кейинги даврлар тафаккури ва диний қарашлари етакчилик қилади. Булар эпик қаҳрамон отасининг ғайритабиий туғилиши, эпик қаҳрамонни кофир деб тавсифланиши, Даванчукдан Аржаст бахши сирли илмларни ўрганиб кўп одамларни даволаши, Аржаст ўз илмини Далчук, Исхар, Аскар исмли қалмиқларга ўргатиб уларни бахши бўлиши мотивларида кўрилади.

Афсона мусулмон қавмлари томонидан яратилган. Аслида қамланиш туркий қавмларда жуда қадимдан учровчи ҳодиса. Улар ўзлари исломни қабул қилганларидан кейин бахшини пайдо бўлишини ўзига хос изоҳлашга ҳаракат қилишган.

Бахши – шомоннинг амалидан фойдаланиш ислом динида тақиқланганлиги сабабли ундан ҳатто хонлар ҳам фойдаланишини изоҳлаган.

Биз “Тарихи Рашиди” китобида келтирилган пайғамбаримиз ва унинг қизлари Биби Фотиманинг оғир дардга чалиниши, улар чилтанлар томонидан даволанганлиги тўғрисидаги афсона матнини келтирган эдик. Ҳар икки афсона шомонийликнинг энг қадимий эътиқод эканлиги ва одам болалари бу эътиқоддан айрича ҳаёт кечира олмаслиги изоҳланган. Биби Фотиманинг чилтанлар кўмагидан фойдаланадиган бўлиб одамларни даволай бошлаши унинг бахши бўлганлигини англатади. Шунингдек, шомонларнинг туғ (оқ байроқ) кўтариши анъанаси ҳозиргача сақланиб қолган. Эски қабристонлар, йўл четидаги қабрларда оқ туғ кўтарилган ҳолларни кўп учратамиз. Бизнингча, айна мана шу белги қабрда дафн қилинган шахснинг шомон бўлганлигидан далолат беради.

#### **Муҳокама**

Сибир туркий қавмлари шомон маросимлари фольклорининг йирик тадқиқотчиси Е.С.Новик томонидан амалга оширилган таснифда олима шомон афсоналари таркибида биринчи шомон ҳақидаги афсоналарни алоҳида гуруҳлаштирган эди. Н. Пантусов оммалаштирган афсоналар айнан биринчи шомон ҳақидаги афсоналарга киради. Бирок шомонликни тарқалиши ва қамланишни изоҳлашга қартилганлиги учун биз уларни шомон инициацияси ҳақидаги афсоналар сифатида баҳолаймиз.

Биз томонимиздан Наманган вилоятининг Чуст туманида истиқомат қилувчи Умида Асқаржон қизидан ёзиб олинган афсонада айтилишича, Умида 20 ёшларида даладан қайтаётиб, қайрағочлар орасида базм қилаётган оппоқ кийимли қизларга кўзи тушади. У қизлар томонга бориб уларни томоша қилмоқчи бўлади. Умида қизларга яқинлашгач, бир тўда қизлардан бири уни қарши олади. Аммо қолган қизлар базмни давом эттиришадилар ва Умидага даврага қўшилишларини сўрайди. Негадир у унамайди. Қизларнинг каттаси Умидага бу ерда кўрганларини ҳеч кимга айтмасликни тайинлайди. Умида уйига кетади. Ювиниб хонасига кириб дам олишга ётади ва шундан кейин шол бўлиб қолади.

У етти йил шу дарддан қийналади. Охири онаси бир бахшига фол кўрсатса, унга парилар ошиқ бўлганлигини очиклайди. Умидани чодир тутиб чиллага солади, бир кўзини қурбонлик қилади. Умида чилладан соғайиб чиқади ва доира олиб бахшилиқ қила бошлайди[12]. Умида бахши томонидан айтилган шомон афсонасида унинг номаълум гўзал қизларни овлоқда учратиши, улар кимсасиз далада базм қуриши ва эпик қаҳрамонни базмга таклиф этиши париларнинг мифологик белгиларини кўрсатади. Ўзбек шомон афсоналари сюжетида кенг учровчи эпик қаҳрамоннинг ғайб олам вакиллари таклифини рад этиши ва шу сабабли оғир дардга йўлиқиши мотиви Умиданинг етти йил шол бўлиб қолишида кўринади. Шомоннинг оғир дардга йўлиқиши ва узоқ вақт шу дарддан азоб чекиши шомон касаллиги[1] бўлиб, етти йилдан сўнг эпик қаҳрамон қамлангач, бу дарддан қутилади. Бу ўринда етти рақамининг шомоний мифологиядаги магик аҳамияти ҳам муҳим рол ўйнайди.

Фарғоналик илоҳий табобат соҳибаси София аядан ёзиб олинган афсонада шундай келтирилади: “Мен, Боболарни изми билан одамларни даволашга 31 ёшимда киришишим керак эди. Мен эса бу ишни уддалай олмайман,- деб кўрқар эдим. Қандай қилиб табобат илмидан беҳабарлигимча инсонларни даволай олишимни ақлимга сиғдира олмас эдим. Боболар берган муҳлат тугади. Мен эса ҳали ҳам даволашни бўйнимга олмасдан розилиқ бермасдим. Шундан кейин Боболар мени жазолай бошладилар: улар руҳимни вужудимдан жудо қилишар, гоҳ жаннатда, гоҳ Маккаи мукаррамада сайр қилдирар эдилар. Бу давр мобайнида эса уйда руҳсиз танамнинг устида мотам тутишар эди. Мен бу сафарларда Арофат тоғидан мунчоқлар тердим. Жаннат остоналарини супурдим. Мен ҳар сафар ўлиб тирилдим аммо, Боболар амрини бўйнимга олишга ўзимда жасорат топа олмас эдим. Охири Боболарнинг амрига қулоқ солиб ўзим ҳам соғайдим, одамларга ҳам нафим тегмоқда. Ҳозирда эса вақтида амрларига бўйин эгмаганимдан жуда пушаймонман. Ахир, қанчадан-қанча дардманларга, эҳтиёжманд кишиларга ёрдамим тегиши мумкин эди”[10. – Б.27]. Ушбу афсонада ҳам эпик қаҳрамон ғайб олами вакиллари, ўзининг мифологик ҳомийлари Боболарнинг амрига бўйсунмаганлиги сабабли оғир дардни бошидан кечиргани ва уларнинг таклифларини қабул қилгач, соғайиб, одамларнинг дардига даво топаётгани тасвирланади. Мазкур тасвир эпик қаҳрамонни қай тариха шомонлик касбини қўлга киритганини изоҳлашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Навоий вилоятининг Навоий тумани Жалойир қишлоғида яшовчи фолбин Шамсия момо Ашуровадан 2006 йилнинг 8 март куни фольклоршунос О.Қаюмов ёзиб олган афсонада у шундай ҳикоя қилинади:

“Мен асосан китоб кўриб фол очаман. Бобом Ҳазрати Баҳовуддиннинг дарвоза эшони бўлганлар. Бибим ҳам мулла бўлганлар. У киши қазо қилгач, китобларини олиб

жинни бўлиб қолдим. Менга туркман пари ошиқ бўлди. Туркман пари қопқора барзанги эркак, белида камари унга тақилган шамшири бор. У ҳар куни ёнимга келиб, қўйни қумалоғини кўрсатиб: “Ол майиздан еб кўр!”- деб ундарди. 21 ёшимда фолбинликни қўл олганимдан кейин соғайдим. Китобни очсам, парилар кўринишадилар. Улар менга фол очишга келган киши ҳақида маълумот берадилар. Сув бўйига чиқдим, ариқ ёқасида парилар кўринади. Фолга келган кишиларни қонлаб, товуғини сўйиб, пишириб, калла – почасини ариққа оқизиб юбораман. Сув парилари шундан миннатдор бўлиб кўринмайдилар”[11. – Б. 65]. Афсонада фолбиннинг қай тариқа шомонликни қўлга киритиши тасвирида унинг туркман пари томонидан таъқибга учрагани, азоблангани ва 21 ёшида қўл олгач, соғайгани баён қилинади. Бу афсонанинг ўзига хос жиҳати шундаки, у эпик қаҳрамон – шомоннинг бобосидан қолган китобни олиб дардга чалинишида кўринади. Кўпчилик шомон инициацияси ҳақидаги афсоналарда шомонлар ўзларидан олдин ўтган отаси ёки онаси шомон бўлганлиги улардан мерос қолган буюмни олмаганликлари оқибатида марҳум шомоннинг ҳомий руҳлари томонидан таъқибга учраши ортидан дардга чалинади ва мажбуран шомонликни қабул қилади. Бу каби шомоннинг руҳлар томонидан танланиши[2.] шомон инициацияси ҳақидаги афсоналар сюжетида кўплаб учрайди. Н.П.Диренкова томонидан эълон қилинган мақолада олтойликларда шомоннинг авлодларига мерос қолган анжомлари **сабл** маросими ўтказилиб, кейинги шомонга тақдим этилар экан[3.– С.107-190]. Ўзбек шомонлари афсоналарида ҳам аجدодларидан бўлган шомоннинг меросини қабул қилиш орқали шомонликни қўлга киритиши мотиви кўп учрайди.

#### **Хулоса**

Хуллас, ўзбек шомон маросим фольклорида кенг тарқалган шомон афсоналари орасида шомоннинг қай тариқа шомонликни қабул қилишини изоҳловчи кичик сюжетли оғзаки эпик наср намуналари шомон инициацияси ҳақидаги афсоналар бўлиб, улар руҳлар мавжудлигига ишониш, шомон руҳлар ва замин одамлари ўртасидаги воситачи каби шомонийлик ғояларини ташишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Басилов В.Н.Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1992. 328 с.
2. Басилов.В.Н.Избранники духов. – Москва: Политиздат, 1984. – 208 с.
3. Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у телеутов//Сборник музея антропологии и этнографии. Т. X. –М., 1949. – С. 107-190.
4. Kayumov O.S. Image of grandfathers in the Uzbek shaman folklore // Достижения науки и образования. 2019. №3 (44). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/image-of-grandfathers-in-the-uzbek-shaman>;
5. Qayumov O. O‘zbek shomon marosim folklorida afsun // Orienss. 2021. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbek-shomon-marosim-folklorida-afsun> (дата обращения: 03.04.2024).
6. Мирза Мухаммад Хайдар. Таърих-и рашиди//<https://www.vostlit.info>;
7. Новик Е.С. Фольклор – обряд – верования: опыт структурно-семиотического изучения текстов устной культуры. Дисс. в форме науч. доклада. Докт. Филол.наук – Москва, 1995.
8. Пантусов Н.Таранчинские бакши. Пери Уйнатмак. Способы борьбы и лечения бакшей.// Известия Туркестанского отдела Императорского Русского Географического Общества.№ 6. Том 475. – С. 107-113.
9. Пантусов Н.Таранчинские бакши. Повествование о происхождении бакшей // Известия Туркестанского отдела Императорского Русского Географического Общества.№ 6. Том 475. – С. 110-113.

- 
10. Қаюмов О. Ҳақиқатга айланган мўъжизалар.– Навоий, Алишер Навоий нашриёти, 2019. – Б.27.
  11. Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси). Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 1999. – Б. 65.
  12. Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. 2-дафтар. 5-6-бет.